

18 МАЙ ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Шерзод Раджабов

Термиз археология музейи бўлим мудири

Интизор Зоирова

Музей илмий котиби

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15356601>

Ҳар қайси одам ўз Ватани, ўз юртининг тарихини билмасдан туриб, ўзини маданиятли инсон ҳисоблаши қийин. Шу маънода Сурхон воҳасидаги археологик музей қўшаётган ҳисса, бунга иймоним комил, Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси инсонга ўз юртининг тарихидан фахрланиши, гуурланишига, Ўзбекистонимиз буюк келажагига ишонч қозонишга бекиёс хизмат қиласжак.

И.А. Каримов

Мустақиллик йилларида музейлар фаолиятида тубдан ўзгаришлар рўй берди. Юрбошимиз ташаббуси ва бевосита иштирокида музейлар барпо этилди. Айнан шундай музейлардан бири Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида жойлашган Термиз археология музейи ҳаммамизга маълумки муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан ташкил этилган. Музей 2002 йил 2 апрелдан бошлаб фаолият юрита бошлади. Музейда воҳамизнинг тарихи, маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттирган ноёб топилмалар сақланиб келинмоқда. Воҳамизнинг бой тарихий анъаналари, урфодатлари ва ҳунармандчилигини ўрганишда музей экспонатлари ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Музейлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юритиш воқеа ва энг асосийси ўз моддий-маданий меросини асрар туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарих хотираси халқнинг, туғилиб ўсган ўлканинг, фаолият кўрсатилаётган маконнинг Ватан ҳудудининг холис ва хаққоний тарихини тиклашни, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни юксалтиришни тақозо этади.

Миллий ўзликни англашда тарихий хотиранинг ўрни ҳақида сўз кетганда, унинг илдизлари мингийилликлар қаърида эканини эътироф этиш лозим. Халқнинг тарихи, аждодлар мероси, илмий ва маънавий бойликлар ғоятда бекиёсdir. Бугунги ёш авлод бу бойликлар меросхўри сифатида уларни ўқиб-ўрганмоғи, онгига сингдирмоғи давр заруриятидир. Чунки миллат тарихи шу қадар ғууррабахшки, бунда соҳтакорликка йўл кўйиш асло мумкин эмас. Улуғ аждодлар номини, хотирасини тиклаш, улуғлаш тарихини ўрганишдан кўзланган жамиятнинг дастлабки муддаосидир. Сиёсатни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз музейларининг илмий ва маърифий тарбиявий фаолияти ниҳоятда улкан. Чунки, айнан музей жамланмаларида тарихнинг инкор қилиб бўлмас ашёвий далиллари сақланади. Айнан музей кўргазма ва фонdlарида муҳофаза қилинаётган минглаб асори атиқалар халқнинг серқирра тарихини ўрганиш учун нодир манбадир. Ўз халқнинг тарихини билиш, унинг қадрига этиш ва авайлаб-асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олган бир пайтда мағкуравий тарбиянинг замонавий, таъсирчан технологияларини ишлаб чиқиши долзарб вазифамиздир.

Ёшлилар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг бўш

вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида айнан ёшларнинг музейларга ташрифини кўпайиши, уларга имтиёзли ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида музейимизни ходимлари бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Бу ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли услугуб, восита ва шакллари орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда музейда 60 дан ортиқ ходимлар фаолият юритиб келмоқда Музей ходимлари юқорида зикр этилган қонунларни бажариш учун ва ташриф буюраётган ёш авлодни хар томонлама комил инсон сифатида тарбиялашда, айнан улар онгига маънавий бўшлиқни тўлдиришда маданий меросимизни асраб-авайлашида ушбу тадбирлар орқали тарғиб этиб келишмоқда.

Музей ходимларининг бугунги кунда яна бир сайъи-ҳаракатларидан бири моддий меросимизни сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилган тушунириш ишлари натижасида музей фондига кўплаб экспонатлар келиб тушмоқда.

Аҳоли томонидан келтирилаётган ушбу экспонатлар нафақат археология обидаларидан балки, хонадонлардаги томорқалардан ҳам топилмоқда. Бу эса қачонлардир ушбу томорқалар ўрнида қадимиш шаҳар ва қишлоқлар бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, аҳоли томонидан турли ҳудудларда топилган археология ашёлари қадимиш шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашган ўрни ва топографиясини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Бугун биз мана шундай жонкуяр ватанпарвар аждодлармиз руҳини ҳурмат қилаётган воҳадошларимиз исми шарифларини айтиб ўтишни таъбир жоиз деб топдик. Жарқўрғон тумани Тўраев Ахмад, Термиз тумани Холмуродов Аброр, Шеробод тумани Туронов Бойсанд, Шеробод тумани Тўраев Ғани, Бойсун туман мактаб ўқувчиси Д.Рахмонов, Термиз шаҳар 8-синф ўқувчиси Раҳматуллаев Бегзод, Денов тумани Тўраев Ғани, Бандиҳон тумани Қултўраев А, Денов шаҳар Маллаева Х, Термиз шаҳар Навоий кўчаси Х.Шукуров, Термиз шаҳар 16-умумий таълим мактаби ўқувчиси Худойназаров Султон, Термиз шаҳар Ҳамиdboев Нодир, бу рўйхатни давом эттирадиган бўлсак изи узилмайди.

Бу воҳадошларимиз орасидан кўпчилиги ёшлар яъни мактаб ўқувчилари эканлиги бизни қувонтиради. Демак, биз ва устозлар ёш авлодга уларни миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, уларни бугунки кунда ўз самарасини бераётганини кўриб турибмиз. Биз музей жамоаси азиз юртдошларимизга айниқса ёшларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Термиз Археология музейи фондларига қабул қилинаётган экспонатларнинг асосий қисмини воҳа ҳудудида амалга оширилаётган археологик тадқиқотларда топилган ашёлар ташкил этади.

XXI аср ахборот майдони глобаллашуви шароитида дунёдаги миллий яхлитлик ва ўзликни асраш учун бўлаётган рақобат маданий, маънавий, ахлоқий ва турмуш тарзи доирасида содир бўлмоқда. Ёт ва бузғунчи ғоялар турли шакл ва мазмунлар никоб остидаги кўринишлар билан жамиятга бостириб кирмоқда.

Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида музейлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу борада юртимиздаги энг йирик маънавият масканлари бўлган музейлар отабоболаримиз қолдириб кетган бой тарихий-маданий меросни намойиш этиш орқали ёш авлодга воҳамиз тарихини чуқур ўргатиш ва шу восита орқали миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва ёшларимизни миллий қадрятларимиз руҳида тарбиялашда ўз ўрнига эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда музейлар асосан, ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришишига имкон берувчи маданий масканга айланмоқда.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, моддий ва маънавий меросни авлоддан-авлодга етказишида музейлар етакчи ўринда туради.